

ТОШКЕНТ ШАҲАР  
МАҲАЛЛАЛАР  
ИШИНИ  
МУВОФИҚЛАШТИРИШ  
КЕНГАШИНИНГ  
ЎЗНОМАСИ.  
Ҳар ойда икки марта  
чиқади.  
«Тошкент оқшоми»  
нашри.

1991 йил, 10 октябрь,  
№ 20 (55).

# Маҳалладош

## Ўзбекистон Республикаси фуқароларига очиқ хатни ўқиб

«Тўй ва маъракалар исрофгарчиликларига йўл қўймаслик учун биргина тарғибот ва тушунтиришнинг ўзи кифоя эмас. Бу ишга энг аввало маҳаллаларнинг бообрў кишилари, раҳбарлар, халқ депутатлари бош-қош бўлишлари шарт. Фақат кўплашиб, ҳаддан ошаётганларни инсофга чақириб бирор натижага эришиш мумкин».

(Жумҳурият ва пойтахт шаҳар депутатларидан бир гуруҳининг Ўзбекистон Республикаси фуқароларига очиқ хатидан).



## АЙНИ МУДДАО

ЖУМҲУРИЯТ ва пойтахт шаҳар Кенгаши ноябларидан бир гуруҳининг тўй-маросимлар ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси фуқароларига очиқ хати айна муддао бўлди. Негаки, ушбу очиқ хатда биз — маҳалла фаолларининг кундалик ташвиқот қилаётган масалалар ўз ифодасини топган.

Биз ўз маҳалламизда ўтказилаётган никоҳ, суннат ва бошқа тўй-маъракаларни ортиқча сарф-харажатсиз, ичкиликсиз, ихчам ўтказишга келишиб олганмиз. Бу — маросим ўтказаятган киши учун ҳам моддий, ҳам маънавий томондан фойдали бўлмоқда. Энг асосийси, ноз-неъматлар исроф бўлмаяпти, ичиб олиб бир-бировнинг дилини оғритишлар барҳам топди. Мақтаниш бўлмасин-у, кейинги 3—4 йил ичида маҳалламизда бўлиб ўтган тўйларда гандираклар юришлар бўлаётгани йўқ. Бу — маҳалла фаолларимизнинг мунтазам олиб борган ишлари самарасидир.

Тўғри, гуруч курмасиз бўлмаганидек, «Фалончи тўйида фалон кило гуруч дамлапти, мен ундан камманми» деб, калондимоглини қилмоқчи бўладиганлар ҳам ҳар замонда учраб қолади. Аммо, фаолларимиз аралашуви ва маслаҳатидан кейин бундайлар ҳам ўйлаб қолишади. Ўз элига бўлган ҳурматнинг тўй-маросимлар катта-кичиклиги билан ўлчанмаслигини бир оз англай бошлашади.

Очиқ хатнинг айна муддао бўлди, деганимнинг асосий маъзи яна шундан иборатки, эндиликда тўй баҳона элга ўзини кўз-кўз қилиш учун дастурхон ёзадиганлар ҳам, тўйга бориб мириқиб мазага қилиш илнжиди бўладиганлар ҳам ўзлари учун тўғри хулоса чиқариб оладилар.

Абдуҷаббор МАННОПОВ,

Октябрь районидagi «Чарх-Камолон» маҳалла комитети раиси.

## АТРОФЛИЧА МУҲОКАМА ҚИЛАЙЛИК

БИР гуруҳ депутатларнинг республика фуқароларига очиқ хатини ўқидиму, беҳад севишиб кетдим. Чунки Фрунзе районининг Абдулла Қаҳҳор номи билан аталувчи маҳалласида жойлашган 118-мактабда 17 йилдан бери ота-оналар комитетига раислик қилаётганим ҳамда маҳалла ўртоқлик судини бошқариб келаётганим учун ҳаддан зиёд харажат сарфлаб ўтказилаётган тўйларнинг инсон маънавий дунёсига қай даражада таъсир этишини яхши биламан.

Айрим ҳолларда шундай ҳам бўлаяптики, баъзи бир «қўли узун»ларнинг «сахий»ларча тўй бериши ўрта-қоллар учун қимматга тушаяпти, ҳатто қашшоқлаштириб қўйиб тўйдан кейин дилсиёҳликлар юзага келишига сабаб бўлмоқда. Ичкиликбозлик авжига чиққан тўй-маросимларда иштираётган эшлар катталарнинг хурмача қилиқларидан завқланиб, улардан «ўрнак» олишга интилишмоқда.

Мазкур очиқ хатни ҳар бир маҳалла, ҳар бир турар жойда атрофлича муҳокама қилиб, тегинли хулосага келмас эканмиз, юқоридагидай иллатлардан қўтилишимиз қийин. Хулосалар ҳам шундай бўлсинки, унда тўйларда ортиқча харажатга йўл қўйганларга, спиртли ичимлик тарқатганларга нисбатан қатъий чоралар белгилансин! Ана шунда тўй-маросимларимиз ҳозиргидан-да анча файзли бўлади.

Лутфулла БОБОТУЛЛАЕВ,  
нафақадаги ҳуқуқшунос.



Ҳамза районидagi Алишер Навоий номи маҳалла фаоллари тез-тез учрашиб, маҳаллада қилнайдиган ишлар, жумладан тўй-маъракаларни серфайз ва исрофгарчиликсиз ўтказиш хусусида фикрлашиб туришади.

СУРАТДА: Маматхон Саидкаримов, Еқуб Турсунов, Эркин Орипов, Алихон Мажидов ва Фаттоҳ Ашуровлар келгуси режалар ҳақида суҳбатлашмоқда.

Холмат Мирзақаримов сурати.

## Ҳурматга сазovor

МАБОДО йўлингиз тушиб, Сергели районидagi «Чоштепа» маҳалласига бориб қолсангиз, бу ердагиларнинг Хайитбой ака Ҳакраев номини ҳурмат-эҳтиром билан тилга олишаётганлигининг гувоҳи бўласиз. Ва беҳитёр Хайитбой ака билан танишиш, у билан суҳбатлашиш иштиёқи туғилади. Ахир, обрў-этибор, кадр-қиммат топишининг ўзи бўлмайди-да. Бунинг учун ҳам оилавий ҳаётда, ҳам жамоа орасида ҳурматга сазовор бўла билиш керак.

Мана, 32 йилдирки, жумҳурият қарлар жамиятининг 2-ўқув-ишлаб чиқаруш корхонасида фидокорона меҳнат қилиб келаётган Хайитбой акада эса ана шундай хусусиятлар бор. У корхонада илгор ишчигина бўлиб қолмасдан, ўзи иштиқомат қиладиган маҳалла фаолларидан ҳам биридир. Хайитбой ака 11-поликлиниканинг ҳудудига асфальт ётқизиш, сув қувурларини ўтказиш, уруш ва меҳнат фахрийлари, кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олиш, хотира кўларини ўтказиш каби ишларни амалга оширишда маҳалла комитети раиси Рўздат Сейлозов ҳамда хотин-қизлар кенгашининг раиси Умриниса Жўраевалар билан ҳамкорликда жонбозлик кўрсатмоқда.

Хайитбой аканинг фарзандлари ҳам мўмин-қобил, меҳнатсевар. Уғилларининг бири — шофёр, бири — ишчи, қизи — ҳамшира. Турмуш ўртоғи Сабоҳат она ҳам ширинсухан, хуштабат аёл. У қайнонаси ожиза Ҳамро атрофида парвона.

Судбатилла НОРХУЖАЕВ.

## «Камолон»да янги дўкон

Мазкур озиқ-овқат дўкони ширкат усулида қурилди. Унда харидорлар учун барча қўлайликлар мавжуд.

— Пойтахтнинг қадимий ва катта гушаларидан бирига бу савдо шаҳобчаси жуда мос тушди, — дейди Октябрь районидagi «Камолон» маҳалла комитетининг

раиси Абдукарим Шоҳидов. — Яқин-яқинларгача унинг ўрнида эски бино бўлиб, санитария талабларига жавоб бермас эди. Биз шунинг ҳисобга олиб, ширкат усули билан бўлса ҳам янги дўкон қуриб олдик. Бу сотувчиларни ҳам, маҳалла аҳлини ҳам қувонтирди, албатта.

Ғани ЕСЕНОВ.

## ЎЗГАРИШЛАР ЯХШИ, АММО...

ҲАМЗА районидagi Аҳмаджон Назаров номи маҳаллада ҳам кейинги пайтда анчагина ижобий ўзгаришлар бўлди. Кўчаларга асфальт ётқизилганлиги, хонадонлар ён-атрофининг эстетик завқ берадиган ҳолатга келтирилганлиги, маҳалла клуби таъмирланиб, у ерда кутубхона, бадий ҳаваскорлик тўғраги, кийим бичиш ва тикиш курсларининг ташкил этилганлиги, тўйларнинг исрофгарчиликсиз ўтказилаётганлиги шулар жумласидандир. Янгиликлардан яна бири — шаҳар ижрония кўмитасининг руҳсати билан маҳалла марказида каттароқ янги клуб қуриш учун ер майдони ажратиб берилгани бўлди.

— Ютуқларимиз билан бирга ҳали ечимини кутаётган муаммоларимиз ҳам йўқ эмас, — дейди суҳбатда маҳалла комитетининг раиси Жўра Бобоев. — Масалан, янги клубни ўз кучимиз, яъни ҳашар йўли

билан бунёд этишимиз амри-маҳол. Чунки қурилиш материалларининг ҳозирги нарх-навоси ва танқислиги бунга сабаб бўлмоқда. Агар бу ишда бизга «Янгиобод» даҳаси ҳудудида жойлашган «Наврўз» чойхонаси, «Чинор» дўкони ва йирик базалар мутасаддилари ҳиммат қўларини чўзишса нур устига аъло нур бўларди.

Маҳалла аҳлини қийнаб келаётган масалалардан яна бири — у ҳам бўлса, «Янгиобод» автобус бекатининг жуда торлиги. Агар шу бекат кенгайтирилса, аҳоли учун ҳам, автобус ҳайдовчилари учун ҳам анча қўлайлик яратилган бўларди.

Ҳа, раис ўз манфаатини эмас, балки, умумманфаатини кўзлаб фикр юргизаяпти. Табиийки, ушбу муаммолар ҳам ҳал этилса, аҳоли учун яна анча қўлайлик яратилган бўларди.

Шонра МУҲАМЕДОВА.

## Қариялар фахримиз

ОКТАБР районидagi Аъзамхон Рустамов номи 262-ўрта мактабда яқин атрофда истиқомат қилувчи Улуғ Ватан уруши ва меҳнат фахрийлари билан тез-тез учрашувлар ўтказиб туриш анъанага айланган. Яқинда бўлиб ўтган навбатдаги учрашувда Ибн Сино даҳасида яшовчи олтмишга яқин фахрий қатнашди.

Мактаб директори Азимжон Мадраҳимов ва шаҳар фахрия муаллимлар жамоасининг раиси Шораим Гадовбоевлар нутқидан кейин мактаб ўқувчилари фахрийларга гуллар тақдим этишди, қўшиқлар айтиб, рақсга тушиб, улар дилини хушнуд қилишди.

Фахрийлардан Салоҳиддин Нуриев, Аббор Шарипов, Мақсуд Осимов ва бошқалар «Қариялар—фахримиз» деб, уларни эъзозлаб келаётгани учун мактаб маъмуриятига миннатдорчилик билдиришди.

Ҳамидулла Йўлдошев,  
жумҳуриятда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими,  
фахрий педагог.



Ушбу суратда акс эттирилган «Ўзбекистон» номли намунавий поезд кузатувчилари бригадаси бошлиғи, «СССР Фахрий темирўлчи» Эргаш ака Комилов ишлаб чиқариш пешқадами бўлиш билан бирга фаол жамоатчи ҳамдир.

Рустам Шарипов сурати.

Бу киши—биздан

ИШ КЎЗИНИ БИЛАДИ

ОДИЛ Мақсудов Улуг Ватан уруши бошлангунга қадар ҳам ундан кейин ҳам ишлаб чиқаришнинг турли жабҳаларида самарали меҳнат қилди. Уруш йиллари эса катта лейтенант унвонида взводга командирлик қилди. Фашистлар билан бўлган жангларда кўплаб қаҳрамонлик намуналарини кўрсатиб, қатор жанговар мукофотлар билан тақдирланди. Мана, 15 йилдирки, у киши пенсияда бўлиб, Тошкент районининг «Ўзбекистон» 50 йиллиги жамоа хўжалигидаги Оржоникидзе номли маҳалла комитетига раислик қилиб келмоқда.

Одил отанинг ташаббускорлиги ва ишнинг кўзини билганлиги туфайли ўтган давр ичида талайгина ибратли ишлар амалга оширилди. Жумладан, барча хонадонларга табиий газ келтирилди, маҳалла комитети идораси қурилди, Улугбек номидаги кўча кенгайтирилиб, асфальт ётқизилди.

Қувурлардаги сув босими камлиги учун кўпгина хонадонларга сув етиб бормас эди, бу муаммо ҳам ҳал этилди. Ёзги клуб қурилди. Ўтган йили бевосита Одил отанинг ташаббуси билан маҳалладаги «Ғишткўприк» қабристонининг атрофи ўрналиб, тартибга келтирилди. Унинг ичкарисы ва теварак атрофларига мевали ва манзарали дарахтлар экилди. Хотира кўнида маҳалладаги Саидвалихўжа қабристонига ёдгорлик тоши ўрнатилди.

Шунга ўхшаш кўплаб хайрли ишларнинг амалга оширилишида маҳалла оқсоқоли Одил отанинг қолаверса, маҳалла фаоллари — Раҳматилла Раимов, Абдиқарим Абдужалилов, Рихсило Каримов ва бошқаларнинг ҳиссалари катта бўлмоқда.

Тўй-маросимларни кам ҳаражат, ихчам ўтказиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Илгарилари тўйлар уч кун давом этарди. Мана бир

неча йилдирки бир кунда ўтказилмоқда. Натижада кўплаб исрофгарчиликларнинг олди олинди. Келин-куёв ЗАГСдан ўтишгач, кўёв зиёфат қилиб берар, бу зиёфат ҳам кичикроқ тўйдан қолишмасди. Ҳозирда эса бундай ортиқча сарф-ҳаражатларга чек қўйилди. Никоҳ тўйларида уч кунлик чақирик удумлари йўқ қилинди. Чорлар маросимига эса икки томон — қудалар оилавий борадиган бўлишди.

Суннат тўйларида базм бўлмапти. Тўйларда спиртли ичимликлар қўйилмайди. Тўй маросимларининг қандай ўтаётганини маҳалла комитети аъзолари кузатиб боришади. Юқоридаги тартиб-интизом бўйича тўй ўтказишга бўйсунмаган оилаларга катта миқдорда пул жаримаси солинади. Бундай хайрли ишларни амалга оширишда маҳалла фаоллари билан бир қаторда хотин-қизлар Кенгашининг ҳам роли катта бўлапти.

Маҳаллада Наврўз айёми жуда катта байрам қилинди. Сумалак, ҳалим, ош (палов)лар пишрилиб, элга тортилди. «Гўзал» вокал-чолгу ансамбли хизматда бўлди.

Одил Мақсудов раҳбарлик қилаётган маҳалла райони миқёсида кўзга кўринган, намунали маҳаллардан бири ҳисобланади. Одил ота ҳозирда 76 ёшга кирган бўлсалар-да, ҳали тетик ва бардам.

О. Мақсудов маҳалла комитетининг раиси бўлиши билан бирга жамоа хўжалик фахрийлари Кенгашининг ҳамда халқ ноиблари қишлоқ Кенгашидаги ўртоқлик судининг раиси ҳамдир.

Кенг ва равон асфальт кўчадан йўғон гавдали, ўткир нигоҳли, қорачадан келган бир киши ўтиб бормоқда. Уни барча ҳурмат қилади, эъзозлайди. Бу инсон маҳалла аҳли учун жуда қадрдон киши — Одил ота Мақсудов бўладилар.

Акбар ПУЛДОШЕВ, журналист.

«Маҳалладош»да босилгач БУГУНГИ ИШ ЭРТАГА ҚОЛМАЙДИ

117-ТОШКЕНТ-ОКТАБРЬ САЙЛОВ ОКУРУГИ БИР ГУРУХ САЙЛОВЧИЛАРИНИНГ ОЧИҚ ХАТИГА ЖАВОБ

Муҳтарам маҳалла комитети раислари ва сайловчилар!

«Маҳалладош» рўзномасининг шу йил 27 июнь сонидан чоп этилган «Умид чироқлари сўнмасин» номли очиқ хатингиз билан танишиб чиқиб, ушбу мактубни йўллашга қарор қилдим. Очиқ хатда санаб ўтилган муаммолар нафақат Сизнинг, балки Тошкентнинг эски шаҳар қисмида жойлашган кўпчилик маҳаллаларга тааллуқли ва долзарбдир.

Маълумки, 117-сайлов округи Октябр, Киров ва Собир Раҳимов районларидан ташкил топган бўлиб, бу округда 800 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Шулардан тахминан 300 мингдан кўпроғи маҳаллаларда истиқомат қилишади. Маҳаллалардаги муаммолар йиллар давомида йиғилб қолгани сир эмас. Шу боис сайловолди учрашувларида топширилган вазифаларни имкони борича тўлиқ ҳал этиш учун депутатлик фаолиятининг ҳаракат дастурини 3 қисмга бўлдим.

Биринчиси — эски шаҳар маҳаллаларининг яқин келажақдаги тақдирини аниқлаш. Иккинчиси — тарихий деб топилган даҳаларда ерлик аҳолининг урф-одатларини сақлаган ҳолда замонавий қулайликлар яратилган, кам қаватли ҳовли-жойларни лойиҳалаш ва қурилишини бошлаш. Учинчиси — сақланиб қолмаган маҳаллаларга замонавий қулайликлар, яъни табиий газ киритиш, канализация ўтказиш, телефонлаштириш, ободонлаштириш ва бошқа шароитларни яратиш беришдан иборатдир.

Ушбу дастурнинг биринчи бўлими тегишли ташкилотлар билан ишлаб чиқилган сўнг муайян натижаларга эришдик. Зеро, 1989 йилнинг июнь ойида Тошкент шаҳар ижроия комитетининг Тошкентнинг тарихий даҳалари тўғрисидаги қарори чиқди ва «Маҳалла» дастури қабул қилинди.

1989 йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон Олий Кенгаши Ҳайъати ва Ўзбекистон Вазирлар Кенгашининг «Тошкент шаҳри аҳолисининг турмуш шароитини тубдан яхшилаш, тарихий даҳаларни таъмирлаш учун биринчи навбатдаги чоралар ҳақида»ги 414-сонли қарори чиқди.

1990 йилнинг март ойида Тошкентнинг тарихий даҳаларида таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун «Тошкент-тикланиш» Давлат ширкат қурилиш бирлашмаси ташкил этилди.

1989 йилнинг иккинчи ярмида сақланиб қолиши маълум бўлган маҳаллаларда замонавий қулайликлар яратиш учун лойиҳа тайёрлаш ишлари бошланди.

1990 йилда «Ўзбекгидроэнергострой», «Сувсоз», «Таштранспецстрой» ва яна бир қанча қурилиш ташкилотлари эски шаҳар кўчаларини канализациялаштириш, сув қувурларини алмаштириш ишларини бошладилар. Шу кунга қадар эски шаҳарнинг 60 дан ортиқ кўча, ўтув ва берк кўчаларида 30 километрдан зиёд канализация тармоқлари, 25 километрдан зиёд водопровод қувурлари қуриб битказилди.

Булардан ташқари сайловолди учрашувларида тушган вазифаларга мувофиқ «Ўзбекгидроэнергострой» трести

қурувчилари Октябр районидagi «Гулбозор», «Камолон», «Янгибод», Литвинов, «Чарх Новза», «Кўкча» маҳаллаларида, «Марказ-13» даҳасида, Киров районидagi «Қизил Дехқон», «Обод», «Оқтепа», «Кулол Қўрғон» маҳаллаларида, Юнусобод даҳасининг 5, 15-мавзелида, Собир Раҳимов районидagi «Мевазор», Мискин, А. Набиев, «Бирлик» маҳаллаларида, «Қорақамиш» даҳасида, 25 дан ортиқ мактабларда ва олийгоҳларнинг ётоқхоналарида умумий ҳисобда 500 минг сўмликдан зиёд қурилиш-монтаж ва таъмирлаш ишларини бажардилар. Маҳалла идорасини таъмирлаш, мактаб сантехниксини алмаштириш, бинолар томини созлаш, сўғориш иншоотлари қуриш, кўчаларни асфальтлаш, ташландиқ жойларда болалар майдончаси қуриш каби юмушлар кўлами шулар жумласидандир.

Азиз маҳалладошлар! Сизларнинг очиқ хатингизга келсак, ўз ҳудудингизда яшайтган фуқароларга нисбатан куюн-чаклик, уларнинг турмуш тарзини яхшилаш учун қайғураётганингиз сезилиб турибди. Фрунзе, Эркин, Ғайрат, Қурилиш ва Зарқайнар маҳаллаларини канализация қувурлари, водопровод, электр нури билан таъминлаш, шунингдек, газлаштириш ва телефонлаштириш борасида кўплаб муаммолар тўпланиб қолганидан хабарим бор.

Рўзномада очиқ хат эълон қилингач, унда тилга олинган масалалар бўйича тегишли ташкилотлар билан бамаслаҳат муайян режалар белгилашга эришдик. Зарқайнар (илгариги Ҳамза) кўчасидаги хонадонларни табиий газ билан таъминлаш асосан ниҳоясига етган. «Олча» ўтувида эса бу вазифа «Маҳалла» дастури бўйича келгуси йилда амалга оширилиши мўлжалланмоқда. Юқорида тилга олинган маҳаллаларни сифатли электр нури билан таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси томонидан тармоқларни қайта қуриш ва таъмирлаш вазифаси 1992 йил режасига киритилди.

Маҳаллаларга канализация қувурлари ўтказиш масаласида эса «Сувсоз» трести бошқарувчиси З. Т. Солихўжаевга мурожаат қилиб, жавоб хати олдик. Унда таъкидланишича шу кунларда лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрлашга киришилган. Маълумот учун: Собир Раҳимов районидagi Охунбобоев номли маҳалла комитети аъзолари бизга мурожаат қилганларидан сўнг лойиҳа-смета ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритиб, қурилиш бошланди. Ишлар жадал суръатлар билан олиб борилмоқда ва шу йил тармоқ бойдаланишга топширилди. «Пахта» маҳалласининг мурожаатига биноан эса лойиҳа-смета ҳужжатлари «Сувсоз» трести билан биргаликда кўриб чиқилмоқда. Қурилиш ишларини бошлаш келаси йилга мўлжалланмоқда.

Тошкент шаҳрининг кўҳна маҳаллаларида қийинчиликлар билан яшайтган аҳолига ижтимоий шарт-шароитлар яратиш бериш доимий эътиборимизда. Шунингдек, тегишли ташкилотлар билан Сизларнинг иштирокингизда маҳаллалардаги муаммоларни яна бир бор кўриб чиқишга тайёрмиз. Биз эса бугунги иш-ни эртага қолдирмаслик учун қўлимиздан келган ёрдамни аямаймиз.

Ҳурмат билан:

Акром ЭРГАШЕВ,

«Ўзбекгидроэнергострой» трестининг бошқарувчиси, СССР халқ депутати.

«ЧИПТАЛАР КЕРАКМИ? БЕМАЛОЛ...»

«Маҳалладош»нинг 1991 йил 16 май сонида юқоридаги сарлавҳа остида эълон қилинган танқидий мақолада чипта сотувчилар орасида камчиликларга йўл қўйилмаётгани, йўловчилар билан кўпол муомалада бўлаётганликларини танқид қилинган эди. Ана шу мақола юзасидан Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи Х. С. Маҳкамов ижтимоий билан қуйидаги жавоб олинди:

— Таассуфки, чипта сотувчилар орасида йўловчиларга нисбатан кўпол муомалада бўладиган ходимлар ҳам учраб туради. Бундай ҳоллар ошкор бўлган тақдирда чипта сотувчиларга нисбатан депо маъмурияти томонидан

қатъий чора кўрилади. Ҳақиқатан ҳам Оқтепа бекатидаги дўкончада чипта сотувчи, 2-трамвай депосининг ишчиси А. Йўлчиева харидор-йўловчига нисбатан кўпол муомалада бўлган. У билан харидор-йўловчиларга нисбатан маданиятли, хушмуомалада бўлиш кераклиги суҳбат чоғида уқдирилди. Шунингдек, унга савдо пайтида тегишлича майда пулга эга бўлиш ҳамда чипталарни харидорларнинг талабига кўра сотиш кераклиги уқдирилди. Мақола 2-трамвай депосининг чипта бўлими ходимлари ўртаёсида муҳокама қилиниб, хизмат маданиятини яхшилашга қаратилган тадбирлар белгиланди.

Агар ходимларимизнинг биронтаси ноўрин хатти-ҳаракат қилса 2-трамвай депосига, 72-80-96 телефони орқали хабар қилишингизни сўраймиз.

**Ассалому алайкум, муҳарририят ходимлари. Мен Сирдарё вилояти қишлоқларининг бирида яшасам ҳам «Тошкент оқшоми» рўзномасини мунтазам ўқиб бораман. Менга унда берилётган мақолалар, айниқса, рўзноманинг ҳозиржавоблиги жуда ёқди.**

**Мен сизларнинг эътиборингизга битта мақола ҳавола қилаяман. Чунки қахрамоним — Комила ая пойтахтнинг Собир Раҳимов районидаги Форобий кўчасида истиқомат қиладилар. Ёзганларим зийрак нигоҳингиздан четда қолмай, рўзнома юзини кўрса, ўзимни беҳад бахтиёр ҳис қилар эдим.**

**УҚИШГА** кириш ниетида Тошкентга келдим. Ижарага уй ахтара-ахтара ниҳоят топдим. Жойлашиб бўлганимдан сўнг, кўлимга китоб олдим. Кўзим китобдою, хаёлим кўшни хонадан чиқётган мунгли кўшиққа мафтун. Овоз эгасини чўчишиб юбормаслик учун, секингина мўраладим. Уй тўрида бир бурда бўлиб ўтирган кампир кўзларини бир нуқтага тиккан ҳолда хиргойи қилар эди.

**«...Юраккиманнинг дарди бор»**

**Зардевор-эй, зардевор Юраккиманнинг дарди бор...** Дарди бор... Ҳа, бу дунёда дардсиз инсон бормикан? Айниқса, Комила холадак кутиб, соғиниб бу бевафо дунёдан ўтиб бораётган инсонлар дарди беҳисобдир.

— 24 ёшда эдим, — ҳаяжонланиб эслайди Комила ҳола, — хўжайинимни фронтга кузатганимда. Йўлларига интизор бўлиб кутдим. навора, пешона экан, қайтиб келмадилар.

Ҳа, 24 ёшли гўзал жувон икки фарзандини бағрига босиб, зор-зор йиғлаб қолди. Фарзандларини оқ юшиб, оқ таради. Мана шундан бери ҳам орадан неча йиллар ўтиб кетди. Бугунги кунда Комила аянинг атрофи тўла неваро-ю чеваралар.

Комила аянинг кўзлари эса ҳаммиша йўлда. У ўтган бахтли дамларини кўмсаб, шу ширин лаҳзаларга сирғиниб яшайди. Унинг мунгли кўшиқларини эшитган инсоннинг вужуди ларзага келиб, албатта хомуш тортади:

**Оқариб ойдинда ётсам, Ой менинг миллимдадир. Мен чўчиб кўзимни очсам, Ер қўли бўйнимдадир...**

Комила холанинг юзларини ёш ювади. Унинг ҳазон кўшиғи менинг қалбимни ҳам ҳазондек титратади. Холанинг бир нуқтага тикилиб хиргойи қишлоқларининг сабабини билсам кўзлари ожиз экан.

Ерининг йўллариغا интизор тикилавериб, кўз нурларидан айрилган Комила холани мен бахтсиз дея олмайман. Чунки, унинг юрак тўрида асраган гавҳари — илк севғиси ҳали-ҳали чарақлаб турибди. У бошига ҳам тушса ҳам, бахт кўнса ҳам хаёлан ёри билан баҳам кўрди. Аёл деган муқаддас номни бир умр пок сақлади.

Оқ топилар, кўк топилар, сандайн қайдан топилар... деб, севган ёрининг руҳига сирғиниб яшайди, у.

Қани энди, яратган барча умматларига ҳам ана шундай сабру тоқат, чидам ва садоқат ато этса...

**Дилфуза ҚАРШИБОВЕВА, ТошДД журналистика кулли-ётининг сиртки бўлма толибаси.**

**ХАЛҚ** амалий санъати турларидан бўлмиш бешикнинг тарихи жуда узоқ. Асрлар оша ўтиб келаётган ушбу ҳунармандлик меросимизни фалон пайтда пайдо бўлган деб чегаралаб бўлмайди. Қадимги эртақлардан бири «Ёрилтош»да **Қўш бешиклар ёнимда, Ука кел, ука кел! Ҳасан-Хусан кўлимда, Ука кел, ука кел!**

деган халқ оғзаки ижоди намуналарини тинглаб, бешик қадим замонлардан мавжуд эканлигини билса бўлади.

Шарқ миниатюра расмлари, монументал санъатда эса бешик кўринишлари расомлар ижодига фойда киритган. Республикамизнинг таниқли мусаввирларидан Ингитали Турсунназаровнинг «Қора хат» асарида бешикка беланган бола ёнида ёш она ҳолати, бешик ундаги бола эътиборингизни ўзига тортади. Уни кашф этган уста маҳоратига, маданиятимизнинг бу ноёб тури олдида ҳаёлга толмай илжимиз йўқ.

Бешик боланинг ором олиб ётиши, ухлаши учун қулайдир. У аёлларнинг уй юмушларини енгилаштириб, хонадон орасталиги, саранжом-саришталлиги учун ҳам хизмат қилади. Чунки бола бешикда экан, у ҳар томонлама озода, беозор, яхши, соғлом ўсади.

Уста бешик ясашда тут, ёнроқ, қайрағоч, ўрик, нок ёғочларидан фойдаланганлиги боисини айтсак, бундай қаттиқ дарахтларни кўрт кемиролмайди. Ишлатилган

нақшлари ҳам ўчиб кетмай, узоқ сақланади. Бешикнинг усталик билан яратилганлиги кишини ҳайратга солади. Қўлбоғ, оёқбоғ, тағликлари, уларга туташ йўғон, бақуват тортиқчининг айланма, ўйма нақшлари кишида эстетик завқ уйғотади. Бешик устига ёпилган гавропешнинг йил фаслларига мос тикилиши ўзига хос нафосат бахш этган.

Бешикнинг яна бир яхши томони шундаки, чақалоқ қизил, зарҳал, кўк, жигаранг каби ранглари хуш

ўзлари ҳам фарзандлари таспиди ором олишлари кўчиликни уста ишига қўйял қолдиради.

Ёш келинчалар болаёи бешикка қандай белаш, кураги тўшакчага ёпишиб қолмаслиги, бутя, кўлтиқ, бўйин томонлари шилиниб кетмаслиги, сумак, тувак ботмаслиги учун нималар қилиш ло-

Кеьса аяжонлар ёшларга ўргата туриб, чақалоқни бешикдан ечиб олишган ва уни ўнг ҳамда чап томонга уч мартадан «ос, ос, ос» деб авайлаб силкиб, сўнг илтиилган пахта ёғи билан елкаларини силлашган. Кураги ёпишиб қолмасин учун мароми билан «массаь» қилишган. Бола кураги ёпишгудек бўлса, у хархаша қилиб, иситмаси чиқаяди. Бадандарига теккан пахта ёғи хуш ёқиб, этларини юмшатади ва ёпишган жойларини кўчиради.

Болани бешикка солиш анъанавий байрамга айланиб кетганди. Одатимизга кўра биринчи бешикни қизнинг ота-онаси ўз яқинлари билан суяунчи сифатида холис ният қилиб ясаиб келишади. Ёш она чақалоқ беланган бешикни кучоқлаганча тандирда ёпилган нонни тишлағач, болалардан бири нонни олиб қочади. Бошқа болалар нон ушлаган болани қувиб кетишади. Уни тутиб олишгач, нонни ҳам-малари тенг бўлиб ейдилар.

Бешик халқ севган ҳунармандлик санъати эканлигини унутмаслигимиз керак. Ҳозирда ҳам пойтахтимизнинг Эски Жўва бозори устахоналарида ясалаётган бешик турларини томоша қилиб, нафис дидли устазодалар ишидан ҳайратга тушмаслик мумкин эмас.

**Маҳмуд АҲМЕДОВ,**  
Ўзбекистон санъат музейининг катта илмий ходими.



**ХАЛҚ СЕВГАН САНЪАТ**

кўради. Бешикка беланган бола нигоҳи шу рангларга тушиб, уларга талпинади, гўё шу нафис нақшлар билан суҳбатлашаётгандек қий-қиради. Қўлларни йўргакдан бўшатилгач эса тортиқчини ушлаб кўришга интилади.

Бола бешикда яхши ором олиши учун оналар у ёқти радиган ўйинчоқлардан тортиқча илеб қўйишади. Бешик оналарнинг болага кўрак туттишлари учун жуда мос яратилган. Улар бешик тебратиб билан бир вақтда,

зимлигини катта ёшдаги аёллардан ўрганиб боришган. Кўпни кўрган онахон насихатлари, йул-йўриқларига қулоқ солиб, амал қилиб, одоб сақлаб келган оқила аёллар бешикда болани улғайтириш йўлларини тезда ўрганиб, кези келганда бошқаларга ҳам ўргатишган.

**Ҳурматли мушаррийлар! Эсингизда бор: «Маҳалладош»нинг 12 сентябрь сониди юқоридаги сарлавха остиди мақола эълон қилиниб, унда бир оиланинг болалар уйдан 2 ойлик чақалоқ олиб, уни 8 ёшгача тарбиялашган, шу тўғайли турар жойларини кенгайтириб олишгани, эндиликда эса ўша қиз—Азизани «қорни тўймайди», деб уйдан кетказиш пайига тушиб қолишгани айтилган эди. Оқшомхонлар мазкур мақола билан танишгач, муҳарририят телефонлари бичрин-кетти жиринглай бошлади, мактублар кети узилмапти.**

Кўнғироқ қилаётган ва хат йўллаётганлар эса жумҳуриятимизнинг турли вилоятларида истиқомат қилувчи турли соҳа кишиларидир. Уларнинг барчасининг истак ва мақсадлари битта: Азизага ёрдам қўлини чўзиш. Улар Азизанинг кейинги тақдирини ўйлаб қайғурини-шапти.

Изтироб ила дил сўзлари битилган мактублар билан танишган сайин, ҳамюртларимиз орасида меҳр-оқибат ва йймон-эътиқоднинг баъзи бировлар ўйлаганчалик тубанлашмаган эканлигининг гувоҳи бўламиз. Ички бир тўлқинланиш, сазоватли инсонларга нисбатан меҳр-муҳаббат туйғуси қалбимизни қамраб олади. Чунки, улар оддий мактублар эмас, балки юракдан кўз ёшлари бўлиб сизиб чиққан соф инсоний туйғулардир. Келинг, яхшиси хатларининг айримлари билан сиз ҳам танишиб кўлинг.

— Мен «Тошкент оқшоми» рўзномасининг мухлисиман, — деб бошлайди ўз мактубини Жиззах вилоятининг Ғаллаворол районида истиқомат қилувчи Гулбаҳор Этамқулова. — Унинг «Маҳалладош» иловаси ҳам мен учун севимли.

Ҳуқуқшунос Махфуза Файзуллаеванинг «Сен ёлғиз эмассан, Азиза!» номли мақоласини ўқир эканман, бештиёр кўзларимга ёш кел-

ди. 1988 йилнинг июнь ойида қизим — Наргиза йўқолиб қолганди. Уни излаб бормаган жойим, кирмаган эшигим қолмаганди. У ҳозир 8 ёшда бўларди.

Азизани 2 ойлигида олиб, кечалари ухламай, уст-бошини юшиб, едириб-ичириб, энди эиёни тегмай қолган вақтда яна қайта топшириш бу бутунлай пасткашлик эмасми? Унинг ҳеч қандай оғирлиги йўқ-ку! Ишларига қарваса, давлат пул тўласа, уни деб уй берса, эҳ, шу қизини менга беришса бошимга

**Акс-садо**

**«Сен ёлғиз эмассан, Азиза!»**

кўтариб юрар эдим-а. Ҳали ҳам Азизани яна тарбиясига олса. Ахир ёш бола «ейман, ичман» дейди.

Сизга насихатим шуқ, опаъон, ҳеч қачон боладан кечманг! Ахир бола туққанники эмас, боққанники дейишади-ку. 8 йиллаб қоринни тўйгазгансизку, энди тўйгазолмай қолдингизми? Еки сизга ҳам жамгарма йиғишининг! Боқолмасангиз давлатимиз беминият боқиб олади. Лекин сизлар берган меҳрин давлат беролмайди-ку, опаъон! Мен ушбу мактубни кўз ёшларим билан ёзаянман. Эсимга яна қизим тушиб кетди. Балки шу қизчани менга берарсиз. Узин эмасам

ҳам шу қизчага едираман, киймасам ҳам кийдираман. Зора қизимни ўрнини босса. Сиз эса эртанги кунда пушаймон ейсиз, кейин кеч бўлади.

Ҳурматли муҳарририят! Бу мактубимни ёзишдан мақсад юрагимни бир оз бўлса-да бўшатиб олиш эди. Азизанинг тақдирини ҳақиқда яна ёзиб чиқаринлар, Сизлардан илтимос. Рўзноманинг янаги сонини сабрсизлик билан кутаман.

«Маҳалладош»нинг 12 сентябрь сонидидаги Азизанинг қисмати билан боғлиқ мақолани ўқиб ўзимни анча ногуш сездим, — деб ёзди пойтахтнинг Чилонзор районида яшовчи Мавлудакон Исоева. — Менда мақоладаги Азизага нисбатан ачқиниш, унинг онасига нисбатан эса нафрат уйғонди. Агарда мен турмушга чиққан бўлганимда, албатта, Азизани ўзимга қиз қилиб олган бўлардим.

Ҳурматли муҳарририят! Менинг ёшим Йиғирма еттида. Алоҳида уйим бор. Ишлайман. Шундай бўлса-да, биалам, менга ҳозир фарзандликка бола олиш мумкин эмас. Чунки оилалик эмасман. Лекин мен Азизани ўз тарбиясига олишни истайман. Майли, фарзандликка беришмас, сингил қилиб бера қолишсин. Илтимос! Тўғри, мени битта синглим бор, икхита бўлса нима қипти!

Агар Азизанинг онаси уни болалар уйига топширмаган бўлса, бизга берсин. Уша аёл боқолмаётган қизини биз боқиб, тарбия қиламиз. Буни расмийлаштириш учун қандай ҳужжат зарурлигини ёзиб юборинлар ёки рўзнома орқали маълум қилинлар, илтимос.

Ҳар бир сатри қалб кўрн билан битилган мактублар йўллаётган азиз маҳалладошлар! Бегубор Азизанинг тақдирига бефарқ бўлолмай, шумчалар қайғураётган экансиз, сизларга минг бор ташаккур! **«МАҲАЛЛАДОШ»НИНГ ЖАМОАТЧИЛИК ТАХРИР ҲАЯЪАТИ.**

**ТАРАҚИЕТ** даражаси ўсиб боргани сари инсоният маънавий оламида мескин ўзгаришлар бўла бошлайди шекилли, албатта бу ўзгаришлар кишиларнинг маънавий дунёси бойишига олиб келса нур устига нур бўлур эди. Кўпгина ҳаётий кузатувлардан кейин мен шундай ҳулоса чиқаришга ўзимда мойиллик сездим. Илмий-техникавий ривожланиш жуда юқорилаб бораётган бугунги кунда кишилар орасида фақатгина одамийликка хос бўлган эзгу туйғулар — меҳр-мурувват, ширин каломлик, инсоф, диёнат, муҳаббат ва садоқат каби фазилатлар бизни жуда тез тарқатиб борапти. Энг ачинарлиси шундаки, замонавий шахс бўлмоқ, Оврупо маданиятига тақлид қилмоқ оқибатида минглаб йиллар сайқалланиб келган миллий шарқона удумларимиз, анъаналаримиз кишини маърифатли, одоб ва ахлоқли бўлишга бошловчи маданий масканларимиз унутлиб, топталиб келди.

Шарқда, жумладан, жумҳуриятимизда ана шундай маскан сифатида тилга оладиган кўпгина маконлар бор эди. Биргина пойтахтимиз тимсолида кўрадиган бўлсан илгари қарийб ҳар бир маҳаллада обод, гавжум чойхоналар кўп бўларди. Ҳозир ҳам кўрам, янги чойхоналар қурилмоқда.

Маҳаллалардаги ёшлар, ёшлар неча чойхонага боришмайди? Чойхона бизда азал-азалдан тарбия учун, қироатхонлик, ёшлар учун панду насихат маскани бўлиб келмаганмиди? Ҳозирда ҳам шундаймикин деган ниятда пойтахтдаги бир неча маҳаллаларда бўлдим. Биз кузатган баъзи чойхоналарда ўз меҳнати, ҳалол турмуш гарзи ила эл орасида эъзоз топган насихатгўй нуруний, пиру бадалат отахонларни давралар тўрида савлат тўкиб ўтириб, чойхонага кирган ҳар бир кишини эзгуликка, одамийликка бошловчи ширин-ширин адонсиз суҳбатлар устида кўраман деб ўйлагандим. Афсус, минг афсус, бундай бўлиб чиқмади.

Иқтисодий танқислик жадаллашиб бораётган айна

## Кўпнинг кенгашига ЭЗГУЛИК ОСТОНАСИ



© Ақли дониш, кўпни кўрган, яхши фазаилатли бундай кишилар даврасиданги суҳбатлар ҳаммизга кўпгилларга ором ва завқ бағишлайди.

замонда жиноятчилик ҳам мескин ортиб борапти. Бунга кимлардир иқтисодий қашшоқликни сабаб деб билар. Аммо мен бунини ёшларимизнинг чойхоналардан, кутубхоналардан, эзгу удум бўлган тўйлардан узилиб қолаётганлигида, ёшлар ва нексалар ўртасида қандайдир кўзга кўринмас ровнинг олиб ташланмаганлигида деб ўйлайман. Хўш, нега дейишингиз табиий. Агар кейинги 10—15 йил ичиде ўтган, ўтаётган тўйларга, таъзия маросимларига, қироатхоналарга, чойхоналарга назар солган бўлсангиз, уларда ёшларни учратдингизми? Мен эса... учратолмадим ёки кам учратдим.

Ҳолбуки марҳумни сўнгги йўлга кузатмоқ учун бориш, азадорларга чу-

қур таъзия билдириш энг савобли, хайрли ишлардан бири эканлиги ҳадиси шарифларда катта-катта ҳарфлар билан ёзиб қўйилган. Маърифат ўчоғи сифатида талқин этмоқчи бўлганимиз — чойхоналар бир-биримизга нисбатан бўлган меҳр-мурувват илдизига сув қуювчи дарё эмасми, ахир? Тарбиянинг минг бир тури мавжуд, бироқ мукаммал камол топган инсонни учратиш қуёшнинг иссиқ тиллари остида — оппоқ қор излашдек бўлиб қолди. Биз эса жиноятчилик, қотиллик, ўғирлик, гиёҳвандлик ва фоҳишабозликнинг тез урчиб кетаётганидан нолийимиз, иллатни йўқотиш учун тинмай бош қотираемиз. Бироқ бу билан қандай самарага эришила-

япти. Жиноятчиликлар намайяптими? Бунини эса ўйлаб ҳам ўтирмаймиз. Ҳаётимизга хос бўлмаган иллатларни камайтирмоқ учун аввало ёшларни эзгулик сари бошламоғимиз, улар қалбиде меҳр, эътиқод туйғуларини шакллантиришимиз лозим эмасми? Юрагида инсонга ҳурмат-эътибори бўлмаган шахсдан ҳар балони кутиш мумкин. Чойхоналар ўзининг тарбиявий ролини баҳоли қудрат инро этаётган маҳаллаларда, қишлоқларда самимиятли кишиларни кўпроқ учратасиз. Бунга табиий ҳол деб қарамаслигимиз, аксинча, ҳамма жойларда чойхоналарни фа уларнинг ёшлар тарбиясида тутаётган ўрнини тикламоқ зарур.

Масаланинг яна бир нозик томони шундаки, телевизор, кино, яна «видео» деган «бало» биз ёшларнинг вужудимиздан, шууримиздан инсонийлик фазилатларини юходек ютиб кетмоқда. Мустақкам қонун йўли билан видеосалон, видеопрокат ва видеозаллар фаолиятини қатъий таъқиқлаб қўймас эканмиз, барча жиноятчиликлар тегирмонига сув қуйган бўлаверамиз. Маънавий таназулга бошловчи бундай кечириб бўлмас ҳолга чек қўйиш фурсати аллақачон етди деб ўйлайман. Ўзингиз ўйлаб кўринг: ваҳшийликка, фоҳишабозликка, зўравонликка ундовчи фильмларни сурункали томоша қилаётган ўсмир юрагида эзгулик ўти ёнишига ним нафолат бера олади? Ким?

Бир пиёла чой баҳона чойхонага кириб, бу дунёга меҳмон бўлган ганимат отахонларимизнинг ҳаёт учун турмуш ва яшаш учун зарур бўлган ўғитларига қулоқ тутмоқча нима етсин. Ахир биз улардан ваҳшийликка бошловчи видеофильмлардан кўра кўпроқ маънавий озуқа оламиз-ку. Наҳот шунини тушуниб етмоқ бизга шунчалар қийин, оғир иш бўлса? Ҳайронман, лолман. Келинг, азизлар, жумҳуриятимизда, хусусан, шаҳримизда чойхоналарни кўпайтирайлик, уларни кадр-қиммат, меҳр-оқибатдек инсоний ҳислатлар мужассамлашган маконларга айлантирайлик.

Бундай масканларга ёшларни кўпроқ жалб қилиш тадбирларини топмоқ, амалга тадбиқ этмоқ даври етилди.

Бу ҳеч вақт орқага суриб бўлмайдиган ишдир. Ана шундагина ёшларга имон-эътиқод хислати ёр бўлишига жуда-жуда ишонгим келади...

Қадрдон муштарий, шунини ҳам унутмангки, бу битиклар асло талаб эмас, балки шахсий фикрим, дил сузларимдир.

Раҳмонқул  
ҚОДИРАЛИЕВ,  
ТошДД талабаси.

## САЙЁР ОТАХОН

Ҳаёт сўқмоқлари...  
Ўтмоқ машаққат,  
Кун сайин — кун мушти  
тушиб туради.  
Табият қилмаган одамга  
шафқат,  
Экк-экк юки тушди,  
тушиб туради.  
Йиллар захматидан  
Ўтмоқлик омон  
Тенгри димматидир,  
у ёлғиз қодир.  
Замон бўлибдими бу тирки  
замон  
Яшмоқ ҳузурни ҳаммиз  
нодир!  
Оқ яктан энгилмик,  
тўш ердий очки,  
Исофга макондир далаки  
кўксимиз.  
Ерда яшсан-да биз кўни

ошиқ,  
Бекор ўтди кунлар...  
Шундан ўқсқимиз!!!  
Қайтиб келаёткир у қадим  
удум,  
Бошда дўппимиз ҳам  
яшаб турибди.  
Зое кетган йиллар деманг  
турар жим,  
Улар вужудларда қақшаб  
турибди...  
Сабоқ бўлсин эди...  
Эмин топташга,  
Узин камситишга йўл  
қўйма, ўзбек.  
Бош олиб кетмагун асло  
тоғ-тошга,  
Ўз йўланг,  
яшгани унда сен ўздаки!  
Ҳамжосҳат, биродар  
бўлгин элларга,  
Соғиниб келганга  
иссиқ нон ушат.  
Ярағни кунларга —  
борар келарга!  
Аммо кэминг берсанг,  
даҳшатдан-даҳшат!!!  
Дарёни ўз тилингда  
шарқираб оқсин,

Ўз куйинг кўчангини  
тўлдирсин сасга!  
Ўзбекча сўзласин,  
Ўзбекча боқсин,  
Кимки тушмоқ бўлса  
Биз билан баҳсга!  
Ўзлинг билганин ўзга  
эъзозлар.  
Тенг бўлиб сўзлагин  
олам юзида.  
Тарапсин Назоий  
бўлиб овозлар,  
Бисмиллоҳ — янграсин  
аввал сўзида.  
Бошига кўтарса  
азиз отани  
Дуобанд бўлурлар  
шунча фарзандлар.  
Сийласа кичиклар  
агар каттани,  
Демак, умр давомини  
пайвандлар!  
Шундоқ яшадингиз...  
эм, диёнат...  
Қалбингиз банд этди  
бир умр имон.  
Сиз борсиз,  
чеюнар мутлақ эмбанат,  
Покиза умрингиз  
қутлуғ, Отахон!



## Сеп ҳам ўғирланадими?

ҲОЗИР диёримизда айна шиққичилик, тўйларни ўтказадиган пайт. Яхши ниятлар билан ўғил ўйлантириб ёки қиз чиқараётган хонадонларга ҳавасингиз келмай иложингиз йўқ. Орзу-хавас, хурсандчиликка нима етсин, донобувал! Аммо орамизда миллий удумларимиз, қайта тикланаётган қадриятларимизни оёқ ости қилмоқчи бўлаётган инсонлар борлиги кишини ранжитади. Қўшни маҳалладаги Миркомил аканингга ўғри тушибди, деган хабар жуда тез тарқалди.  
— Шўрликнинг нимасини ўғирлашибди, — дейишди у кишини билганлар ачиниб.  
— Неча йилдан бери қизига йўғиб қўйган сепнинг ҳаммасини ўмариб кетишибди. Ҳатто бувисидан қолган мерос — тилла зиракни ҳам қўйишмабди, нонинсофлар. Эрта билан уйга кириб қарашса сандиқ шип-шийдон эмиш. Тўй кунини белгиланган экан.  
— Нафисахонга қийин


бўлибди-да. Қиз чиқараман, деб анча пайтдан бери тайёргарлик кўриб юрганди.  
Бу қутилмаган воқеа Миркомил ана ва Нафиса аяларини гангитиб қўйди. Хайтовур қуда томон тушунган одамлар экан, бориға барака деб, тўйни бошлаб юборишди.  
Ана, кўрдингизми Донобува, қулоқ эшитмаган бундай ҳодисага қандай бефарқ муносабатда бўлиш мумкин. Муқаддас нарсасига қўз олайтирганлар наҳотки унга қўшиб виждонларини ҳам ўғирлашларини тушунишмаса. Табиат ато этган жамини яхши фазилатлар, миллий гуруридан маҳрум бўлган кишигина шундай йўл тутади, деб ўйлайман.  
Қонунларимиз бундай эканлиги ҳақида кўплаб фикрлар айтилмоқда. Шундай бўлгач посбонлар билан маҳалладаги осойишталикни таъминлашга фаоллар ҳам киришсалар жуда соб бўларди. Юқоридаги каби юз тубан инсонийлигини йўқотган кимсаларга нисбатан аёвсиз курашмоқ зарур.  
Ҳурмат билан, набиронгиз:  
Султонмурод УМАРОВ.

## УЙ ПАЗАНДАЛИГИДА ҚўЛЛАНГ

© Оқ бошли карам 20—30 дақиқа, чўлқарам — 20 дақиқа лавлагин (пусты билан) бир ярим соат, сабзи ва петрушка илдизи — 15 дақиқа, шовул — 5—7 дақиқа қайнатилганда пишади.  
© Тозаланган сабзавотлар таркибидеги дармондориларнинг анча қисми қайнатганда сувга ўтади, шунинг

учун сувини биринчи таом ва соуслар тайёрлашда ишлатиш керак.  
© Сабзавотлар (лавлагин ва кўк нўхатдан ташқари) кунгабоқар мойида пиширилганда, фойдали моддаларни кўпроқ сақланади.  
© Кислота сабзавотларнинг пишшишини секинлаштиради, шунинг учун сири,

лимон кислота, томат — пирени овқат пишшиши олдида солиш керак.  
© Сўлиб қолган кўкати бир қошиқ сирига қўшилган собуқ сувга бир соат солиб қўйилса, у яна «тирилади».  
Нилуфар АШУРОВА  
тайёрлаган.



МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси 32-уй.  
Телефонлар: 32-53-66, 33-99-42.

ЖАМОАТЧИЛИК  
ТАҲРИР ҲАМЪАТИ.